25 895

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKISTON OVOZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 24 август, пайшанба. №102 (21.865.) Сотувда эркин нархда.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



СУРАТДА: ишонч ёрлиғини топшириш пайти. Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

23 август куни Австралия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жефри Роберт Бентли мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

— Австралия ҳукумати Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш йўлида талай муваффақиятга эришаётганини қутлайди, — деди Жефри Роберт Бентли ишонч ёрлиғини топширар экан. — Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги, тоғкон саноати, молия ва малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятларга эга.

Мен ўз фаолиятим давомида ушбу ҳамкорликни янада равнақ топтириш учун бор куч ва ғайратимни ишга солишни шарафли бурчим деб биламан.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Австралиянинг турли қитъаларда жойлашгани ўзаро алоқаларимизни ривожлантиришга тўсиқ бўла олмаслигини таъкидлади. Чунки, мамлакатларимиз узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишдан манфаатдордир. Республикамиз Президенти Жефри Робертнинг масъулиятли ишида муваффақият тилаб, унинг Ўзбекистондаги фаолияти ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашига умид билдирди.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР АЙРИМ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон бозорида харидоргир экспорт маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, Ўзбекистон Республикаси саноатининг устувор тармоқларини энг қисқа муддатларда жадал ривожлантириш учун зарур бўлган кўп валюта талаб этадиган импорт товарларнинг ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Экспортга йўналтирилган маҳсулотлар айрим турларини ишлаб чиқаришнинг биринчи навбатдаги устувор лойиҳалари рўйхати тасдиқлансин:

«Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси лойиҳаларни Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритсин.

2. Амалга ошириш учун қабул қилинган ва иловага киритилган лойиҳаларни рўёбга чиқарувчи «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзкимёсаноат» уюшмалари, «Ўзқурилишматериаллари» концерни, «Кўмир» акционерлик бирлашмаси объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириши таъминласинлар. Шу мақсадларда:

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда томат пастаси ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар етказиб беришга контрактни расмийлаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки «Кўмир» акционерлик бирлашмаси билан биргаликда каолин фабрикаси қурилиши лойиҳасини маблағ билан таъминлаш учун Швейцария кредит муассасалари билан тегишли битимни расмийлаштиришни икки ой муддатда тугаллаш чора-тадбирларини кўрсин.

3. «Махсусқотишма» республика бирлашмаси икки ой муддатда Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати негизида молибден ва вольфрам ишлаб чиқаришни кўпайтириш лойиҳаси бўйича ҳамкорлик схемасини аниқлаш масаласини ишлаб чиқишни тугалласин.

4. «Ўзкимёсаноат», Ўзбекенгилсаноат» уюшмалари ва «Махсусқотишма» республика бирлашмаси икки ой муддатда:

амалга ошириш режалаштираётган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослашларини ишлаб чиқишни таъминласинлар;

техник-иқтисодий асослашлар тайёрланишига кўра уларни экспертизадан ўтказиш учун «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига ўз вақтида тақдим этилишини таъминласинлар.

5. «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Ўзбекистон республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки юқорида кўрсатиб ўтилган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослашлари ўз вақтида экспертизадан ўтказилишини таъминласинлар. Бир ой муддатда экспертиза якунлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда уларни маблағ билан таъминлаш схемаси ва манбаларига оид таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки «Ўзкимёсаноат» уюшмаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда карбамид ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва меламин ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаларининг Европа Қайта қуриш ва тараққиёт банки томонидан маблағ билан таъминланиши тўғрисидаги масалани ишлаб чиқсин.

6. Экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг биринчи навбатдаги устувор лойиҳаларини амалга ошириш учун:

уларни амалга оширишда қатнашувчи корхоналар ўз молиявий маблағларидан ва моддий-техника ресурсларидан энг кўп даражада фойдаланиш чора-тадбирларини кўрсинлар;

Давлат мулки қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси билан биргаликда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш, шу жумладан лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи корхоналарнинг акцияларини чет эл инвесторларига сотиш йўли билан уларнинг негизида акционерлик жамиятлари ташкил этиш орқали жалб этиш масаласини ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси билан биргаликда республикадаги берилаётган чет эл кредитларидан фойдаланиш масаласини ишлаб чиқсин, Молия вазирлигига, лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш учун чет эл инвестицияларига бўлган талаб доирасида белгиланган тартибда ҳукумат кафолатлари беришга рухсат этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда бир ой муддатда ҳукумат кафолатларидан чет эл кредитлари бўйича қарзларни тўлаш учун фойдаланилган тақдирда қарздор корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини ишлаб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Молия вазирлиги билан биргаликда қарздор корхоналар томонидан уларга лойиҳаларни амалга ошириш учун берилган кредит маблағлар ўз вақтида қайтарилиши устидан самарали ва амалий назоратни таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тармоқ уюшмалари, концернлар, корпорациялар, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ва «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига энг кам маблағ сарфлаган ҳамда минтақаларнинг ҳудудий ва табиий устунликларидан энг кўп даражада фойдаланган ҳолда ташқи бозорда харидоргир ва рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида ишлаб турган экспортга йўналтирилган корхоналарни модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш юзасидан таклифлар киритсин.

9. Лойиҳаларнинг барча босқичлари ўз вақтида амалга оширилиши устидан амалий назоратни таъминлаш мақсадида, техник-иқтисодий асослашларни ишлаб чиқиш, экспертиза ўтказиш, чет эллик шериклар ва кредит муассасалари билан контрактлар (шартномалар) тузиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва объектларни ишга тушириш ҳам шу жумлага киради, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ ишларнинг аҳволи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар айрим турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг биринчи даражали устувор лойиҳаларини амалга оширишнинг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига мунтазам равишда ахборот бериб турсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 23 август.

ТАБРИКНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Президент,

Вашингтон университети Марказий Осиё тиллари ва маданияти ёзги программаси профессор ва талабалари Сизни, Сиз орқали бутун ўзбек халқини Ўзбекистоннинг улуғ байрами — Мустақиллик куни тўрт йиллиги муносабати билан чин кўнгилдан табрик этадилар.

Биз бир гуруҳ америкаликлар ўзбек тили ва маданиятини зўр қизиқиш билан ўқиб ўргандик. Тарихингиз ва адабиётингиз ҳақида тасаввурга эга бўлдик. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийдек буюк зотлар ўзбек ҳамда дунё тарихида қандай рол ўйнаганларини билиб олдик.

Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги ипак эмас, пахта эмас, тилло эмас. Бу — Ўзбекистонинг халқи. Ўзбек халқи албатта буюк давлат қуради. Худо кучқувват берсин!

Биз Тошкент билан биродарлашган кўркам Сиэтл шаҳрида сабоқ олдик. Бу дўстликка 1972 йилда асос солинган эди. Вашингтон университетида 1947 йилдан бошлаб Марказий Осиё маданияти ўрганилади. Чорак асрдан бери ўзбек тили ва адабиёти ўқитилади, бу аньана яна ҳам ривожланмоқда. Ёзги сабоқлар сўнгида ўзбек халқини Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни билан қутлаш аньанага айланган. Фурсатдан фойдаланиб, ўтган йили йўллаган табригимизга жавоб берганингиз учун миннатдорлик билдирамиз. Вақти келиб, Сиэтлда меҳмон бўласиз, деб умид қиламиз.

Биз Сизларнинг дўстингиз бўлиш учун ўзбек тилига меҳр қўйдик. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстлик; бир-бирини англаш, тушуниш даражаси юксак бўлишини истаймиз. Шунда биз тинчлик, дўстлик ва тараққиётда ёрқинроқ келажакни бирга қуриб оламиз.

Улуғ ўзбек халқига яхши кунлар йўлдош бўлсин!

Илза СИРТАУТАС,
Вашингтон университети профессори, программа раиси
Лора АДАМС,
Берклидаги Калифорния университети аспиранти
Рич ХАВКИНС,
Вашингтон университети аспиранти, Сиэтл
Ховард АЙЗЕНСТАТ,
Лос-Анжелесдаги Калифорния университети аспиранти
Кенли БАТЛАР,
Вашингтон университети аспиранти, Сиэтл
Колин БЕЛЛ,
мактаб ўқитувчиси, Сиэтл шаҳри
Брент ПАТМАН,
Жоржтоун университети аспиранти, Вашингтон Д. С.
Тўбайс КАММЕР,
Вашингтон университети талабаси, Сиэтл
Том ПАРКХУРСТ,
Коламбус шаҳри, Охайо штати
Дианна ПАРКХУРСТ,
Коламбус шаҳри, Охайо штати.

1995 йил 15 август
Америка Қўшма Штатлари
Вашингтон штати Сиэтл шаҳри.

МЕҲНАТКАШЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ХОРАЗМ

Мустақилликнинг 4 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон ХДП МК томонидан тузилган Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов, республика ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори ўринбосари, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Мириной Файзиев, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бўлим мудири, фалсафа фанлари номзоди Зиёд Давронов, «Голос Узбекистана» газетаси бош муҳаррири Бобохон Шариповлардан иборат тарғиботчилар гуруҳи Хоразм вилоятига ташрифини Гурлан туманининг «Қорақалпоғистон» жамоа хўжалиги меҳнаткашлари билан мулоқотдан бошлади.

Сафар давомида тарғиботчилар Қўшкўпир туманидаги «Тошкент» жамоа хўжалиги аъзолари, Хива туманидаги Бобожон Нуруллаев номли жамоа хўжалиги меҳнат аҳли, Урганч қурилиш жиҳозлари ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари билан суҳбатлар қурдилар. Гурунгларда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, партиямиз аъзоларининг туб ўзгаришларга қўшаётган ҳиссасини ошириш хусусида гапирилди. Йиғилганлар меҳмонларнинг далил ва мисолларга бой чиқишларини тинглаб, вилоят меҳнаткашлари Президентимизнинг ички ва ташқи сиёсатини амалий ишлар билан қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этдилар.

Вилоят ҳокими М.Жуманиёзов партиямиз тарғиботчиларини қабул қилди.

Учрашувларда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов ҳозир бўлди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖИЗЗАХ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши тарғиботчилар гуруҳи Жиззах вилоятида бўлди. Мазкур гуруҳ республикамиз Мустақиллигининг 4 йиллиги олдидан вилоят туманларида меҳнаткашлар билан қизиқарли мулоқотлар ўтказди. Гуруҳ аъзолари — Ўзбекистон ФА микробиология институти лаборатория мудири Машҳура Мавлоний, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, драматург Абдуқаҳҳор Иброҳимов, «Ёшлик» ойномасининг масъул котиби, шоир Йўлдош Эшбекнинг Зомин туманидаги гишт заводи, туман марказий касалхонаси меҳнат жамоалари билан учрашувларда серқуёш мамлакатимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг улардаги иштироки, олдинда турган вазифалар хусусидаги фикр-мулоҳазалари тўпланганларда яхши таассурот қолдирди.

— Меҳнаткашлар билан юзма-юз учрашувларда жиззахлик чўлқуварлар юртбошимизнинг ҳар бир Фармонини катта қизиқиш билан қарши олиб, унинг бажарилиши учун астойдил курашаётганликлари яққол кўзга ташланди, — дейди Йўлдош Эшбек.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг Фармонлари, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришни ўзида мужассам этган ҳар бир рисола ва китоблари вилоят меҳнаткашларига ўз вақтида таништирилмоқда ҳамда улар амалий ишларда ўз ифодасини топмоқда.

Мулоқотларда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Г.Субҳонова иштирок этди.

Қўчқор САТТОРОВ,
ЎзХДП Жиззах вилоят кенгашининг иккинчи котиби.

НАМАНГАН

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йиллиги муносабати билан ташкил этилган тарғиботчилар гуруҳидан бири 20-22 август кунлари Наманганда бўлди. Гуруҳ таркибида «Ўзбекистон овози» газетаси Бош муҳаррири, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, шоир Азим Суюн, «Ёзувчи» нашриёти Бош муҳаррири, шоир Абдували Қутбиддин, «Мулоқот» журнали масъул котиби, ёзувчи Урол Ўтаев бор эди.

Меҳмонлар дастлаб Косонсой туманида бўлдилар. Шаҳар ва туманнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Чиндовул қишлоғида барпо этилган ўзига хос маданий-маърифий марказ-гузарда қишлоқ вакиллари, партиямиз маҳаллий ташкилотлари фаоллари билан қизиқарли учрашув бўлди.

Гуруҳ аъзолари Наманган шаҳрида мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади-ган янги шифохона, замонавий теннис уйингоҳи, миллий маросимлар уйи қурилишлари билан танишдилар. Янги барпо этилаётган «АСНАМ» ўзбек-турк қўшма корхонасида қурувчи ва монтажчилар билан учрашдилар. Мулоқотларда наманганликлар мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов бошлиқ республика раҳбарлари олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилдилар.

Сафарнинг охирги куни тарғиботчилар гуруҳи Чуст туманида бўлди. Меҳмонлар «Олмос» жамоа хўжалиги меҳнат аҳлининг турмуши, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишдилар.

Учрашувларда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Н.Қозоқов қатнашди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРХОНДАРЁ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг тарғиботчилар гуруҳи мамлакатимиз жанубий вилоятларидан ҳисобланган Сурхондарёда бўлиб, учрашувларни Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалигидан бошладилар. Пахтакор ва чорвадорлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори Омонулла Файзуллаев, «Гулхан» журнали Бош муҳаррири, шоир Сафар Барноев, ТошДУ доценти, филология фанлари номзоди, масалнавис Мухтор Худойқуловларнинг чиқишларини мамнуният билан кутиб олдилар. Мулоқотларда республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллигини мамлакатимиз барча фуқаролари муносиб қаршилаётгани, партиямиз ташкилотларининг бунёдкорлик ишларини бундан кейин ҳам сира сусайтирмаслик кераклиги ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

Шундан сўнг, учрашувлар, қизиқарли суҳбатлар «Сурхон тонги» газетаси таҳририяти ҳамда вилоят халқ таълими бошқармасига кўчди. Мулоқотларда вилоят журналистлари, мактабмаориф вакиллари қатнашдилар.

Шўрчи туманида вилоят партия фаоллари, хўжаликларнинг раҳбарлари билан бўлган учрашув ҳам мазмунли бўлди. Унда Президентимизнинг «Ўзбекистон-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китоби мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Айниқса, тарғибот гуруҳи аъзолари ва вилоят партия кенгаши фаолларининг Сурхондарё телевидениеси орқали чиқиши байрамолди тарғибот-ташвиқот ишларининг кенг қанот ёзишини таъминлади, дейиш мумкин.

Тадбирларда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши иккинчи котиби Ш.Юнусов иштирок этди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЕПУТАТ ҲИСОБ БЕРДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Юнусобод туман кенгаши мажлисхонасида 25-Марказий сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига сайланган Абдуваҳоб Тошпўлатов билан сайловчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Депутат А. Тошпўлатов ўтган давр мобайнидаги фаолияти, Олий Мажлис учинчи сессиясига қурилаётган тайёргарлик, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ҳақида гапириб берди. Сайловчилардан М. Юсупов, В. Мешков, А. Уханкин, Т. Отабеков, А. Худойқулов ва бошқалар ўзларини тўлқинлантираётган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

МАКТАБ БОЗОРЛАРИ ГАВЖУММИ?

Истиқлол куни. Биринчи сентябрь айни чоғда Билимлар куни ҳамдир. Тўрт йилдирки, биз юртимиз мустақиллиги билан бир қаторда ўқувлар кунини ҳам кенг нишонлаб келяпмиз. Мустақиллик байрамига қай тарзда пухта тайёргарлик кўраётган бўлсак, билимлар кунини ҳам қизғин тараддуд билан кутиб оляпмиз.

Хўш, шундай экан бу йилги ўқув йилига ҳам билим масканлари, ўқув даргоҳлари тўлиқ тайёрми? Ўқувчилар ҳамда талабалар учун барча ўқув қуроллари ва жиҳозлари етарлими? Энг муҳими, жойларда мактаб бозорлари, мактаб дўконлари ташкил этилганми?! Масалага биргина Навоий вилояти мисолида ёндашадиган бўлсак, мазкур вилоят ва туман шаҳарларида ҳозир 29 та у ёки бу кўринишдаги мактаб бозорлари хизмат кўрсатяпти. Вилоят матлубот ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси ташаббуси билан бу бозорларга 19,5 миллион сўмлик ўқув қуроллари келтирилган. Қувончлиси, 6 миллион сўмлик ўқув қуроллари кам таъминланган оилаларга ва ўқувчиларга 30 фоиз миқдорида чекланган нархларда сотилмоқда. Бундай имтиёзга айниқса, вилоятнинг олис чўл туманлари — Учқудуқ, Томди, Конимех ва нуроталик ўқувчи-ёшлар муяссар бўлишяпти. Маълумки, олис чўл туманлари мактабларида шарт-шароит бирмунча оғир. Мактабларда миллий қозоқ тилидаги дарсликлар, дафтар ва қаламлар, парталар етишмайди. Ҳатто бу ҳудудларда маҳаллий кадрларга ҳам эҳтиёж катта. Ана шу мақсадда яқинда Республика Вазирлар Маҳкамаси кўрсатмасига биноан «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Ф. Бурхонов вилоят ҳокими Ҳ. Ғаффоров билан биргаликда барча чорвачилик туманларида бўлиб, Қизилқум минтақасида ўқув йилига тайёргарлик ишлари билан яқиндан танишдилар. Ана шу ташриф натижаси бўлса керак, вилоятга қўшимча яна 1,5 миллион дона ҳар хил дафтар, 110 минг дона турли ручкалар, 70 мингта қалам, 32 мингта ўқувчилар сумкаси ва шунга ўхшаш бошқа жиҳозлар келтирилди.

Айни пайтда бу чўл жойларида нафақат мактаб бозорлари, балки жиҳозлантирилган китоб дўконлари ва расталари ҳам ишлаб турибди.

— Шу кеча-кундузда вилоятимизнинг Қизилтепа, Хатирчи, Нурота туманларида, Учқудуқ, Зарафшон, Навоий шаҳарларида мактаб бозорларигина эмас, балки ўнлаб мактаб дўконлари ҳам ишлаяпти, — дейди вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси раиси Раим Шарипов.— Уларда ўқув қуроллари билан бирга ёшларнинг арзонлаштирилган кийим-кечаклари ҳам сотилмоқда. Савдо кечаю кундуз бетўхтов ташкил этилган. Ноёб, ўта танқис ўқув қуроллари жумладан, замонавий сумкалар, умумий дафтарлар, ручкаларни мол айирбошлаш йўли билан Ҳамдўстлик мамлакатларидан оляпмиз. Мақсадимиз ўқувчи ва талабаларга намунали савдо хизмати кўрсатиш.

Юқорида тилга олинган шаҳар ва туманларда ўқув қуроллари савдоси шу кун талаблари даражасида ташкил этилган. Бироқ, Навбаҳор, Конимех, Навоий туманларида эса мактаб бозорлари, мактаб дўконлари номигагина ташкил этилган. Мавжудларида ҳам зарур бўлган ўқув қуролларини топиш қийин. Ахир эрта-индин ўқув йилининг бошланаётганини, ўқувчи-ёшлар биздан умидворлигини унутмайликда!

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МИНГ ЁШЛИ МАНГУ ДОСТОН

Одамзот ер юзида пайдо бўлибдики, ўзлигини излайди. Илдизини, томирини топгиси келади. Яратганга минг қатла шукрлар бўлсинки, инсоният ўз ўтмишисиз, тарихсиз яшолгани йўқ. Яшолмайди ҳам. Шу маънода ўтаётган йилимизнинг бутун дунё миқёсида «МАНАС» йили сифатида нишонланаётгани улкан тарихий воқеадир. Чунки қирғиз халқининг буюк мероси ҳисобланмиш бу достоннинг минг йиллиги Туркистон заминида ўтаётган энг катта тўйлардан бирига айланиб кетаётир.

Бу асар бутун туркий халқлар тарихида ўчмас из қолдирган бебаҳо дурдонадир.

(«МАНАС»нинг минг йиллик байрамига бағишлаб тайёрланган мақолаларни газетамизнинг 3-саҳифасида ўқийсиз).

Партия ва ҳаёт

МУСТАҚИЛЛИК ИФТИХОРИ

Узбекистон ХДП Жиззах вилояти кенгаши меҳнат жамоалари муаммоларини ечишда кўмаклашадиган қўплаб тадбирлар ўтказаяпти.

Ғаллаороллиқлар бу йил мамлакатга қарийб 80 минг тонна ғалла етказиб бердилар. Туманда тадбиркорликни ривожлантириш, хусусийлаштириш, чет эл ишбилармонлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ишлари намунали ташкил этилмоқда. Зотан, бу йил кузда 70 йиллиги нишонланадиган, бағрида 20 миллат ва элат вакилларидан иборат 106 минг аҳоли яшайдиган йирик туманда ишлар бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Уз сафларига 1865 нафар партия аъзоларини бирлаштирган ХДП туман кенгаши муттасил шу мақсадда иш олиб борди ва бу борада анчагина ибратли тажриба ҳам орттирган.

Туман иқтисодиётини кутаришда Маржонбулоқ олтин қазиш ва бойитиш корхонаси жамоасининг салмоқли ҳиссаси бор. Корхона ишчилари собиқ Иттифоқ республикалари билан алоқалар узилгач, бирмунча қийинчиликларга дуч келсалар-да, ҳозирги пайтда уз ишларини бутунлай қайта қуриб олишга муваффақ бўлдилар.

Корхонада кончиларнинг унумли ишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Маданий-маиший ва умумий овқатланиш хизматлари жойида. Ишчиларнинг ойлик иш ҳақлари 1000-1100 сўмни ташкил этади. Улар яшайдиган Маржонбулоқ шаҳри ҳам, унга яқин жойдаги дала ҳовлилари қўрғончаси ҳам тобора ободонлашмоқда.

Корхонада меҳнат интизоми мустаҳкам. Кончилар уз меҳнатлари Ватан бойлиги ва қудратини оширишга қўшилаётганидан чексиз фахрланадилар.

Мустақиллик байрами арафасида ХДП аъзолигига ўтиш учун ариза берган корхонанинг ёш ишчилари Дилдора Орифжонова, Умида Тожибоева, Давронбек Эшонқулов ва Туйчи Номозовларга партия билетлари топширилди.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Акмал Икромов туман кенгаши Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобини ўрганиш бўйича туман уруш ва меҳнат фахрийлари, хотин-қизлар кенгашлари ва ҳокимлик билан ҳамкорликда жойларда семинар-ўқувлар ташкил этмоқда.

Куни-кеча туман меҳнаткашлари иштирокида юртбошимизнинг мазкур китоби юзасидан семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Анжуманда тарих фанлари доктори, профессор Қодирхон Фозилхўжаев дастури амал ҳақиқатга эга бўлган ушбу китобнинг мазмуни, унда кўтарилган масалалар қамрови, таҳлили хусусида қизиқарли маъруза қилди.

Семинар-кенгашда туман ҳокими муовини Адолат Носирова, Ўз ХДП туман кенгаши котиби Суръат Баҳромов, туман фахрийлар уюшмаси кенгаши раиси Холиқ Мирзаев қатнашди.

Атаулла ИСАХОНОВ,
Акмал Икромов туман ХДП кенгаши партия ташкилотчиси.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги олдидан

«БАЙРАМ – ЮТУҚЛАР БИЛАН ЎРКАМ»

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ўз ҳаётидаги улкан сиёсий аҳамиятга молик катта байрам-мустақиллигимизнинг тўрт йиллигини тантанали равишда нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бу шарафли санани қорақалпоғистонликлар қандай кутиб олмоқдалар? Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикасида мустақилликнинг тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси Б. Ё. ЖУМАНИЁЗОВ бизни қизиқтирган бир қанча саволларга жавоб берди.

— Баҳром Ёдгорович, Қорақалпоғистон Республикасида байрамга тайёргарликнинг қандай бораётгани ҳақида гапириб берсангиз.

— Тараққиёт сари йўл тутиш, иқтисодиётни юксалтириш, ижтимоий барқарорликни ва халқимиз тинчлиги, осойишталигини таъминлаш борасида Президентимизнинг катта саъй-ҳаракатлари туфайли келажаги буюк Узбекистонимиз истиқлол йўлидан дадил ва ишонч билан қадам ташлаяпти. Қорақалпоғистон Республикаси халқи ҳам мустақиллик байрамини юқори савияда ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда. Шу мақсадда Вазирлар кенгашининг тегишли қарори қабул қилиниб, иш режалари тасдиқланган эди. Ҳозир байрамга тайёргарлик ишлари ана шу белгиланган иш режалари асосида изчил олиб борилмоқда. Маданий-оммавий театрлаштирилган байрам дастурлари ишлаб чиқилди. Барча шаҳар ва туманларда корхона ва ташкилотларга маълум майдонлар бўлиб берилиб, шаҳар ва туманлар марказларининг тозалигини сақлаш, кўчаларни ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида шанбаликлар уюштирилмоқда.

Байрам куни пойтахтимиз Нукус шаҳрида халқ сайиллари, ҳар хил савдо ярмаркалари ташкил қилинади. Бадиий ҳаваскорлар узларининг ранг-баранг концерт дастурлари билан халқ хизматида буладилар.

— Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён Қорақалпоғистон Республикасида қандай ижобий ўзгаришлар юз берди?

— Узбекистон Республикасининг мустақилллиги халқимиз учун эркинлик олиб келди. Узбеклар билан қорақалпоқлар азалдан тақдири, илдизи, урф-одатлари ва турмуши бир хил халқ. Улар мисоли бир дарахтнинг томирлари сингари бир оила фарзандларидир. Узбекистонимизнинг буюк келажаги учун республикамизда биз билан тенг туриб, тенг қадам ташлаб келаётган қозоқ, туркман, ва бошқа миллатлар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Демак, Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов айтганидек, «Узбекистоннинг тақдири-Қорақалпоғистоннинг тақдири. Узбек халқининг келажаги-қорақалпоқ халқининг келажаги».

Шунинг учун ҳам катта айём олдида юраги туғилиб ўсган эли, халқи учун фахр ҳисларига тўлиб-тошган Узбекистонимизнинг ҳар бир фуқароси халқлар дўстлигини, туғишганликни узларининг энг қимматли маънавий бойлиги сифатида сақлаб келмоқда.

Биз бугун мустақилликка эришгандан бери ўтган давр ичида истиқлолни мустаҳкамлаш бўйича амалга оширган эзгу ишларимизнинг натижасига якун ясайдиган бўлсак, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда катта муваффаққиятларга эришганимизни кўришимиз мумкин.

Мустақил Қорақалпоғистон Республикамиз Узбекистон сингари уз Конституцияси, байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлди. Бу республикамизда сиёсий, иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаб, қонунлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга тадбиқ қилишга кенг йўл очиб берди. Биз узлигимизни танидик. Узоқ йиллар давомида унутилган урф-одатларимиз қайтиб келди. Қорақалпоқ тили давлат тили мақомини олди. Ер усти ва ер ости бойликларимиз, илмий-техника маданий бойликларимиз халқимиз учун хизмат қила бошлади.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ишлари жадаллаштирилиб, бозор инфраструктуралари вужудга келмоқда. Олдин давлат ихтиёрида бўлиб келган объектлар халққа хусусий мулк қилиб берилянти. Хусусийлаштириш ва акционерлаштириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилиб, 1830 та корхона мулк шаклни узгартирди. Республикада 227 та акционерлик жамияти фаолият кўрсатмоқда, шундан 219 таси очиқ турдаги акционерлик жамиятларидир. Бугунги кунда Узбекистон Республикаси Миллий депозитарийсининг Қорақалпоғистон бўлими, Фонд магазини, Товарҳом ашё биржаси, Қимматли қоғозлар агентлиги тузилди, бошқа вилоят ва МДҲ ҳудудларида 15 та савдо уйлари ташкил қилинди.

Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ташаббуси билан Қорақалпоғистонда сўнги уч йил ичида йирик енгил саноат корхоналари «Катекс», «Элтекс» тўқимачилик мажмуалари, карбид заводи қурилди. Бундан ташқари, Тахтакўпир туманида йирик сув тозалагич иншоати ишга туширилди. Узбекистон ғази республикамизнинг энг узоқ бўлган Муйноқ туманигача олиб борилди. Чимбой туманига йўловчилар поезди қатнай бошлади. Туямўйин-Нукус-Тахтакўпир сув ўтказгичи 354 километр масофага етказилиб, ичимлик суви олис овулларгача етиб борди. Республикаларо аҳамиятга эга (қўшни Қозоғистон ва Россия билан туташтирувчи) Қўнғирот-Бейнов автомобиль йўли магистралининг ва катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган Навоий-Учқудуқ-Султануаистог-Нукус янги темир йўл тармоғи қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Қуввати собиқ Иттифоқда иккинчи ўринда турадиган Қўнғирот сода заводининг биринчи навбати қурилиши бошланди.

Мамлакатимизда, шу жумладан, республикамизда ўтказилаётган ислоҳотлар биринчи навбатда инсонга, унинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади. Юртбошимизнинг «Кам таъминланган оилалардан ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан муҳтож, камхарж ва меҳр-мурувват кутаётган оилаларга ёрдам кўрсатишга эътибор кучайтирилган. Шу йилнинг биринчи ярмида кам таъминланган оилалардан 91 мингта моддий ёрдам сўраган аризалари қондирилиб, уларга бюджетдан 53,5 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Бундан ташқари яқинда кам таъминланган Оролбўйи болаларидан 60 нафари Молдова республикасининг Днестр дарёси бўйида жойлашган Вадулайводэ шаҳри чеккасидаги «Черешарий» дам олиш лагерига бепул 20 кун муддатга дам олиш-соғломлаштириш учун юборилди.

— Баҳром Ёдгорович, энди мустақиллик байрами кунигача ишга туширилиадиган иншоотларга тўхталиб ўтсангиз.

— Мустақиллигимизнинг тўрт йиллигига бағишлаб, Нукус шаҳрида меҳмонхона, Хўжайли туманида 70 ўринли профилакторий-даволаш касалхонаси, Қонликўл туманида 4 та хусусий дўкон, «Сариқ олтин» жамоа хўжалигида бозор, Тахтакўпир туманида кунига 20 тонна ун ишлаб чиқарадиган тегирмон, замонавий ҳаммом, Беруний туманида умумий майдони 1062 квадрат-метр бўлган 16 хўжаликка мўлжалланган тураржой, Қўнғирот тумани «Хоразм» жамоа хўжалигида ва Амударё тумани «Қипчоқ» қўрғонида 844 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, Хўжайли шаҳрида йилига 22 миллион дона шиша идишлар ишлаб чиқаридиган завод, Муйноқ туманининг «Учсай» қўрғонида 15 километр, Қонликўл туманида эса 25 километр узунликдаги ва Тахтакўпир туманида 96 хонадонни газлаштиришга мўлжалланган газ қувурларини ётқизиш ва бошқа бир қанча объектларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

— Газетамиз мухлисларига байрам тилагингиз?

— Мустақиллик байрами истиқлолнинг илҳомбахш ҳавосидан эркин нафас олаётган, озодлик қуёшининг руҳлантирувчи нурлари остида яшаб меҳнат қилаётган ҳар бир узбекистонлик оиласига бахт, шодлик, қут-барака олиб кирсин. Юртимиз тинчлиги ва осойишталиги доимо барқарор бўлиб, байрамдан-байрамларгача омон-эсонлик билан етаверайлик.

Суҳбатдош:
Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

"МУСТАҚИЛЛИК"

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
МАРКАЗИЙ БАНК,
ЖАМҒАРМА БАНКИ,
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКСАВДО,
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Спорт

СТАДИОН ҲОМИЙСИ ТОПИЛДИ

Тўйтепага сал етмасдан, чап томонда кўпдан буён қаровсиз ётган ўйингоҳга кўзингиз тушган бўлса керак. Бир пайтлар Ўрта Чирчиқ тумани меҳнаткашларининг севимли маскани бўлган бу ўйингоҳ ҳадемай, яна кўркамлашиб, миллий безаклар билан жило олади.

Гап шундаки, бозор иқтисодиёти мазкур ўйингоҳни ҳам четда қолдирмади. Маблағ етишмаслиги эзгу ишни орқага сураверди. Лекин халқимизда орзу-ҳавас деган гап бор. Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги шарофати билан ўйингоҳ жонкуяри ҳам топилди. «Тонг» ва «Бегим» ҳиссадорлик жамиятлари бош директори Саидаъло Тўраев ўйингоҳни байрамгача таъмирлаб беришни ўз зиммасига олди. Бир ярим ойдирки, бу ердаги иш кўламлари тобора қиқариб боряпти. Чунки мўлжалдаги тадбирларнинг кўпи амалга оширилиб, сўнги пардозлаш юмушлари бажарилмоқда.

Таъмирлаш ишлари бошланганидан буён чим майдон бутунлай янгиланди. Ўн минг томашабинни сиғдира оладиган ўриндиқлар бошқатдан қурилди. Меҳмонлар учун мўлжалланган ўзига хос шийпон ўйингоҳга кўрк бағишлаб турибди. Унга миллий услубда жило берилган. Арклар бутунлай янгитдан қад кўтарди. Томошалар чоғида асқотадиган электр табло, маълумот бериш-реклама хизмати ҳам фаолият кўрсата бошлайди. Суғ тармоғи ишга туширилади.

— Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунининг тўрт йиллиги байрамигача жами 2 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак, — дейди С. Тўраев. — Туман меҳнаткашлари ана шу байрамни ўйингоҳда ўтказишлари менга завқ бағишлайди. Ҳокимликдан хабар беришларича, бу ерга беш минг нафардан зиёд киши таклиф қилинган. Улар театрлаштирилган томошаларни, ранг-баранг ва қизиқарли спорт ўйинларини, дорбозларнинг чиқишларини кўриб, дилрабо куй-қўшиқларни тинглашлари мумкин. Байрам куни бир миллион сўмликдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари савдога қўйилади. Моддий томондан ночор кишиларга эса юз минг сўмлик совға-саломлар тарқатилади.

Хуллас, байрам куни ўйингоҳ ҳар қачонгидан ҳам гавжумлашади.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Хайрли тадбир

КЎЗИМИЗГА ТЎТИЁ ВАТАН...

Мустақиллик бизга чексиз имконлар эшигини очди. Бу кун қўлимизни қаёққа узатсак, етади. Нимаики ният қилсак, эришамиз. Истиқлол туфайли халқимиз халқ бўлиб ўз эркини таниди, миллий ғурурини англаб етди. Биз энди эркли эл бўлиб, нурафшон юртимизнинг ҳар қарич тупроғини муқаддас билайлик, уни кўзларимизга тўтиё айлаб, эъзозлайлик.

Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги Зуҳриддин Ғуломов номли маҳалла аҳли ва 67-болалар боғчаси мураббийлари билан ҳамкорликда мустақллигимизнинг тўрт йиллигига бағишлаб ўтказган байрамолди йиғини худди ана шу мазмунда кечди. Унда Республика миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева истиқлол шарофати билан юртимизда юз бераётган ҳаётбахш ўзгаришлар, Ўзбекистон Президентининг аҳолига бемисл ғамхўрлиги, Миллий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги жонбозлиги ҳақида сўз юритдилар.

Шундан сўнг маҳалла қўмитаси раиси Фахриддин Тоҳиров, боғча мудираси Дилбар Набиева, маҳалла хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилором Қосимова, туман маҳалла жамғармаси раиси Низом Алимов, Республика маҳаллалар жамғармаси раисининг муовини Гулнора Йўлчиева, ва Махсума Муҳаммаджоновалар ҳам сўз олиб, бугунги тинчлик ва истиқлолнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш тўғрисида фикр билдирдилар. Айниқса, боғча кичкинтойлари Ўзбекистон мадҳиясини бараварига куйлашганида ўтирганлар қалби ҳаяжонга тўлди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Замира Раҳматуллаева, хушқўз қўшиқчилардан Қурсия Эсонова, Фарида Умарова, Мунира Мўминова ҳамда пискентлик фольклар этнографик халқ ансамбли қатнашчиси Раъно хонимнинг қўшиқ ва термалари йиғинга файз киритиб турди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.



Самарқанд вилояти Зирабулоқ газ компрессор станцияси йилига миллион-миллион метр куб табиий газни Муборак, Шарғун ва Газли газ конларидан қабул қилиб, уни чиқиндилардан тозалаб, босимини ошириб республикамизнинг қўшни Қозоғистон ва Қирғизистонлик истеъмолчиларга етказиб бермоқда. Корхона ишчи-хизматчиларининг уй-жойга бўлган талаби юз фоиз қондирилган. Яқиндагина 180 ўринли болалар боғчаси бу соҳадаги муаммони ҳам ҳал қилди. Бу масканда чўмилиш хавзалари ва болаларнинг мириқиб дам олиши учун барча шароит муҳайё. Тарбия ишлари ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1). Корхонанинг бош кўриниши. 2). А. Саидова болаларга инглиз тилини ўргатмоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.

ТАЪЗИМ

Халқимизда «Дарахт бир жойда кўкаради» деган мақол бор. Бу мақол Жиззах вилояти Фориш туманидаги 2-ўрта мактаб директори мингдаб кишиларнинг азиз ва ҳурматли устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, Халқ маорифи аълочиси Саттор Йўлдошевга жуда мос.

Қирқ тўртинчи йили меҳнат фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлаган Саттор ака шу мактабда илмий бўлим мудири, етмиш учинчи йилдан бери эса мактаб директори вазифасини бажариб келмоқда.

—Шу йиллар ичида 1062 ўқувчига етуклик маълумоти гувоҳномасини топширдим, —деб эслайди устоз.—Уларнинг ичида қанчадан-қанча шўх, табиати, хулқи оғирлари, турмушдан қийналиб, ўқий олмаганлари бор эди. Мана ҳозир улар ҳаммаси ўз йўлларини топиб кетишди. Ўтган йили Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтидан Б. Жайноров деган шогирдимиз келди. Бир вақтлар мен уни чўлда мол боқиб, чўпонлик қилиб юрганида учратиб қолган эдим. Сабаби турмуш қийинчилиги. Шунинг учун ҳам ўқишни ташлаб, оиласини тебратиш учун чўпонликка ёлланган экан. Уни қайтадан ўқишга жойладик. Онасидан хабар олиб турдик. Мана ҳозир таниқли олим, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент, фан докторлиги иши ҳам яқинлашиб қолибди.

Домланинг шогирдлари ичида фан докторлари, ўнлаб фан номзодлари, ҳозирги кунда она диёримиз равнақи учун халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги муҳим ва мураккаб вазифаларда беками-кўст тер тўкаётган ходимлар жуда кўп.

Устоз халқ фаровонлиги йўлида ҳам кўп хизмат кўрсатганлигини фориш-ликлар яхши билишади. Туман қишлоқларини электр энергияси билан таъминлашда жонкуярлик кўрсатган, қишлоқ йўлларини асфальтлаштиришда беминнат хизмат қилган, тегишли ташкилотларга елиб-югуриб Осмонсой қишлоғида иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганларнинг хотираси учун Ёдгорлик бунёд қилдирган ҳам, ҳашар йўли билан мачит қурдирган ҳам Саттор Йўлдошевдир. У ҳамон тиниб-тинчимайди, Яраш-лов маҳалла йиғининг раиси, Фуқаролар тўй-томошасида, ҳар қандай маъракада бош-қош.

Шогирдлар каломи

Саттор ота Ойчучук ая билан беш ўғил, беш қизни тарбиялаб вояга етказишди. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли. Оилада кўпчилик ота касбини танлаган.

—Ҳамма нарса жойида-ю, лекин доим бир нарса етишмагандек туюлаверади,— кулиб гапиради устоз мураббий. Шунинг учун ҳам ҳеч тинч ўтира олмайман. Бир ишга банд бўлмасам чарчагандек бўламан. Буни қуни-қўшнилар ҳам билишади. Оилавий мажароми, биров касал бўлиб қоладими, бориб кўриш керакми — менга келишади. Бир орзуим бор, — давом этади устоз. — Ўзим жуғрофия фанидан мутахассис бўлганим учун Собиқ Иттифоқнинг деярли ҳамма республикаларида бўлганман. Лекин чет элларга бориш насиб этмади. Биринчи навбатда мусулмон давлатларига борсам, деган умидим бор. Маккани, Мадинани зиёрат қилсам...

Устознинг орзулари ушалишига биз ҳам тилакдошмиз.

Абдураҳмон РАЖАБОВ,
Холдор ИСКАНОВ.

МИНГ ЁШЛИ МАНГУ ДОСТОН

Эпос ҳар бир миллатнинг афсоналар қобиғига ўралган миллий тарихи, ўз-ўзини англашининг бадиият соҳасидаги буюк маҳсули, ягона халқ сифатида шаклланиш, ўсиш ва бирлашиш сари ташлаган улкан қадамининг шеъриятдаги ёрқин ифодасидир. У қадимиятнинг нодир бир эҳсони сифатида ўзи яратилган даврнинг умумий дунёқарашини, айни пайтда анъанавий жонли ижод ва ижро шароитида халқ миллий руҳининг даврлараро холисона ҳолатини бадиий-эстетик ифодалаб, мазмун ва шакл жиҳатидан гоҳ кенгайиб, гоҳ лўнда шаклда аждодлардан авлодларга оғзаки равишда етиб келган адабий обидадир. «Манас» эпоси ҳам халқ оғзаки адабиётининг ана шундай дурдона ёдгорликларидан бири ҳисобланади.

«Манас» туркий халқлар эпик ижодиётида алоҳида ўрин тутади ва айрича хусусиятларга эга. Достон қирғизларнинг ўтмиш ҳаёти, яшаш тарзи, урф-одатлари, турмушда орттирган тажрибаларини, тарих ва башарият, табиат ва жамият ҳақидаги билимларини қомусий бир тарзда ифодалаган шоҳ асардир. Шунинг учун ҳам оламга машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов: «Асрлар давомида Олатов бағрида яшаб келаётган қирғиз боласи бу дунёга нимани берди, башарият санъатига, маданиятига нимани қўшди, деганда, бизнинг бирдан-бир жавобимиз — «Манас»ни берди, деймиз», —дея ифтихор билан ёзган эди.

«Манас» эпоси кўп асрлар давомида қирғиз халқи маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутиб, халқ оқинлари, манасчи ва семетейчилар томонидан кенг меҳнаткашлар оммаси орасида оғзаки равишда ижро этилиб келинаётган бўлса-да, у ўтган асрнинг ўрталаригача фанда маълум эмас эди. 1850 йилда қозоқ маърифатпарвар олими Чўқон Валиховнинг махсус топшириқ билан Шарқий Туркистонга бораётиб қирғиз овулларида тўхтаб ўтади ва бу ерда моҳир манасчиларга дуч келади. У эпосга жуда юқори баҳо бериб, уни «Чўл Илиада»си деб атайди ҳамда «Кўкатойнинг оши» қисмини ёзиб олади. Достоннинг мазмунини кейинроқ босилиб чиққан «Жунгория очерклари» асарида эълон қилади. Ч. Валиховнинг эшитган муқобилда Манас Қорахоннинг қизи Хоникейга уйланиши, Кўкатойнинг ошидаги мунозара-тортишувларда зўравонлик, адолатсизликка йўл қўйган Қўнғирбой ва Жўлайларнинг Манас томонидан ўлдирилиши, сўнгра Манаснинг ҳам касалланиб, вафот этиши воқеалари тасвирланади. «Манас» эпосига жиддий эътиборини қаратган яна бир олим академик В. В. Радловдир. У 1861 йилда Текесга, 1869 йилда Чуй воҳасига уюштирган экспедициялари давомида «Манас»нинг айрим вариантларини ёзиб олди ва уни 1885 йилда «Туркий халқлар оғзаки адабиётидан намуналар» номли ўн жилдлик асарининг бешинчи жилдида немисча таржимаси билан бирга эълон қилди.

«Манас» эпосини тўла равишда ёзиб олиш ишларини дастлаб Туркистон халқ Маориф комиссарлиги Илмий шўросининг Қирғиз билим ҳайъати ташкил этди. Натижада 1922-1926 йилларда Иброҳим Абдураҳмонов улкан манасчи Сағимбой Ўрозбековдан эпоснинг биринчи қисми —бевосита Манаснинг ўзига бағишланган қисмини тўла равишда ёзиб олди. Манасчининг бетобилиги ва кейинроқ вафоти натижасида унинг «Семетей» ва «Сейтек» қисмларни ёзиб олиш имконияти бўлмади. Икки юз минг мисрадан кўпроқ шеърий сатрларни ўз ичига олган эпоснинг бу варианти, барча тадқиқотчиларнинг якдил таъкидлашларича, эпопея биринчи қисмининг энг мукаммал, бадиий жиҳатдан энг юксак намунаси ҳисобланади. Трилогиянинг ҳар учала қисми («Манас», «Семетей», «Сейтек») тўла ёзиб олинган иккинчи бир буюк манасчи Саёқбой Қоралаев варианти ҳам (унинг «Манас» қисми саксон минг мисрадан кўпроқ) бадиий-эстетик жиҳатдан Сағимбой Ўрозбеков нусхаси даражасига кўтарилган эмас. Шунга қарамай, эпос ҳар учала қисмининг (унинг умумий ҳажми ярим миллион мисрага яқин) тўла ёзиб олинганлиги, бир қатор эпизод ва туркумларнинг бошқача талқини, бадиий-тасвирий воситаларининг ўзига хослиги билан Саёқбой Қоралаев нусхаси ҳам достон вариантлари орасида алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам ҳозиргача барча тадқиқот ва нашр ишлари ана шу икки вариант асосида олиб борилмоқда.

Эпосни илмий жиҳатдан ўрганиш ишлари унинг биринчи тўпловчилари Ч. Валиховнинг ва В. Радловларнинг фаолиятлари билан боғлиқ. Ўшандан бери ўтган қарийб 150 йил вақт давомида ўнлаб тадқиқотчиларнинг юзлаб асарлари босилиб чиқди. Бу ўринда М. Авезов, Қ. Раҳматулин, В. Жирмунский, М. Богданова, А. Бернштам, К. Юдахин, Б. Юнусалиев, М. Маргулан, Р. Кидирбаева, С. Мусаев, И. Молдобоев ва бошқа олимларнинг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу тадқиқотларда эпоснинг яратилиш даври, унинг тарихий воқеликка муносабати, сюжет таркиби, образлари, бадиий-эстетик хусусиятлари ҳар томонлама таҳлил этилди. Достонни бир ёқлама сохта талқин қилишларга, уни қирғиз халқи ижтимоий-маънавий ҳаётидан суриб чиқариш учун бўлган уринишларга кескин зарба берилди.

«Манас» эпоси қирғиз халқи ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маиший ҳаётининг беистисно ҳамма томонларини тўла равишда қамраб олган. Унда оддий чўпон чайласи, қирғиз ойласи ўтовидаги турмуш тарзи кўринишидан хон ўрдасидаги ҳашаматли яшаш ва тўю тантаналар тасвиригача, фарзандсизликдан оҳ-надомат чеккан оила фожиасидан эл-юрт бирлиги туйғусигача, асар қаҳрамонларининг ўзаро мунозараларидан катта жанг майдонлари манзараларигача ҳамма-ҳаммаси мufассал тасвирланган. Достонда миллий ўйинлар, от чопиш, от устида олишиш, пойга, оломон пойга, меҳмон чақириш, меҳмон кутиш, совчилик, қалин тўлаш, туғилиш, тўй, аза маросимлари, тўй ва азаларда соврин ва совғалар улашишлар, қаҳрамонларнинг яккама-якка олишувлари, ялпи урушлар, жанг маҳзаралари тасвири ғоятда жозибадорлиги, сербўёқлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Асар қаҳрамонларининг турли ҳолатлардаги хатти-ҳаракатлари шу даражада жонли тасвирланганки, асар қаҳрамонининг кўринишидаги ўша ҳолат эшитувчи ва китобхон кўз ўнгида яхлит манзара ярата олади. Масалан, эпос бош қаҳрамони Манас севинганида, кулганида, тоғлар ларзага келади; қаҳри келса, ғазабланса, қовоғидан қор ёғади, чароғон кунни булут қоплайди; ухлаганда, найза санчиб зўрға уйғотиш мумкин ёки овга бораётганда, ёв билан юзма-юз келганда, тирноқлари тарвақайлаган қора қушдай, олтмиш қулоқли аждоҳадай, чипор қоплондай кўринишга эга бўлади ва ҳоказо.

Бундай тасвир ва кўринишларнинг барчаси достонда қамралган ҳамма воқеа ва ҳодисалар ундаги бошмавзу-Ватан мустақиллиги, эл-юрт тинчлиги учун ташқи ва ички душманларга қарши шафқатсиз кураш тарқалиб кетган уруғ ва элатларни бирлаштириш ғояси атрофига бирлаштирилгандир. Шунинг учун ҳам эпосда миллий руҳ, эрк ва ҳуррият учун кураш, ўзаро адоват ва жанжалларга чек қўйиш туйғулари ниҳоятда теран тасвирланган. Қўшай чол Манасга қирғиз уруғларининг ери ва эли, тарихи ҳақида сўзлаб бераркан: «Бобонгдан қолган еринг топ», — дейди. Бошқа бир ўринда эса «Қўриқла қирғиз элингни»,— дея насиҳат қилади. Бир қарашда жуда оддий кўринган бу сатрларда бутун достон давомида келиб чиқадиган хулосалар жуда аён ифодаланган.

«Манас» эпосида қуйланган қирғиз уруғларининг ўзаро тотувлиги, кенг маънода туркий уруғларнинг қонқардошлиги масалалари бугунги кунда янгича жарангламоқда. Бу нарса халқларимизни янада яқинлаштириш, уларда умумтуркий муштараклик ғояларини сингдиришда катта аҳамиятга эга. Шу маънода 1000 йиллиги кенг нишонланаётган «Манас» эпоси бутун туркий дунёнинг фахр-ифтихоридир.

ТУРКИСТОН, БУТУНДИР, БУТУНДИР!

Қирғиз халқининг бу буюк эпоси «Манас», «Семетей», «Сейтек» номли уч қисмдан иборат. Трилогия тўла равишда учтўрт жўмоқчидан (манасчи ва семетейчидан) ёзиб олинган. Бу вариантлар орасида улкан жўмоқчи Саёқбой Қоралаев (1894—1971) нусхаси энг мукаммали ҳисобланади. Бу вариантнинг умумий ҳажми ярим миллионга яқин шеърий мисрани ташкил этади.

Эпоснинг «Манас» қисми тўла равишда Сағимбой Ўрозбеков, Саёқбой Қоралаев, Тўғалоқ Мулла, Мулдабосан Мусулмонқулов каби етти-саккиз манасчидан ёзиб олинган. Қирғиз олимларининг фикрича, буларнинг орасида бадиий жиҳатдан энг мукаммали Сағимбой Ўрозбеков (1867—1930) варианти ҳисобланади. Буларнинг ҳажми ҳам бир хил эмас. Масалан, Сағимбой варианти 210 минг мисрага яқинроқ бўлса, Саёқбой варианти 80 минг сатрдан ортиқроқдир. Эпос «Манаснинг туғилиши ва болалиги», «Манаснинг йигитлик чоғи», «Манаснинг биринчи газоти», «Манас ботирнинг Текес, Кўл, Чуй, Талас, Отбоши, Норин ерларини ўзига қаратгани», «Қирғизларнинг Олтойдан Олатовга кўчгани», «Манаснинг Алокехонни енгиши», «Алмамбет ботир ҳикояси,», «Манаснинг Хоникейга уйланиши», «Кўзқаманларнинг ҳоинлиги», «Кўктойнинг оши», «Улуғ сафар», «Кичик сафар», «Манаснинг ўлими» каби сюжет қисмларидан иборат. Халқ орасида бу қисмларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида айтилиб келинган. Айниқса, «Кўзқаманларнинг ҳоинлиги», «Кўкатойнинг оши», «Улуғ сафар», «Чубақ билан Алмамбетнинг мунозараси» каби қисмлар қайта-қайта ижро этилган. Шунинг учун ҳам манасчилар бу қисмларни жуда мукаммал биладилар.

Эпос ҳозиргача тўла равишда нашр этилган эмас. Унинг «Манас» қисми қисқартирилган нусхаси Сағимбой варианти бўйича 1979—1982 йилларда тўрт жилдда, Саёқбой варианти бўйича 1984, 1986 йилларда икки китобда Қирғизистонда нашр этилди. Ундан олдинроқ, яъни 1958—1959 йилларда Сағимбой ва Саёқбой вариантлари асосида достоннинг йиғма, бириктирилган нусхаси икки китоб ҳолида босилиб чиққан эди. Ана шу нашр биринчи китобининг учдан бир қисмини қисқатирган ҳолда шоир Миртемир, иккинчи китобининг ярмидан кўпроғини қисқартирилган ҳолда шоир Султон Акбарий ўзбек тилига таржима қилдилар. Бу таржималар нашр этилган. Айтилганлардан чиқадиган хулоса шуки, кенг газетхонлар оммаси эпоснинг тўла мазмуни билан таниш эмаслар. Шуни ҳисобга олиб, таҳририят «Манас» эпосининг сюжет баёнини беришни лозим кўрди. Баён давомида достондан шоир Миртемир таржимасида парчалар бериб борилади.

«ЖОНДОШИМ-ЭЙ, ХАЛҚИМ-ЭЙ, ҚАБУЛ БЎЛСИН ТИЛАГИНГ!»

Достон Манаснинг ет-тинчи ота-бобосигача бўлган шажарасини (Аланчахон, Бойгур, Бобирхон, Тубуй, Куғуй, Нуғай, Жақип) баён қилиш билан бошланади. Нуғайнинг (айрим вариантларда Қорахон, Уразли) болалари даврига келиб, тинч яшаб келаётган қирғизларга Алокехон бошлиқ қора хитойлар қўшини ҳужум қилади. Қирғизлар турт тарафга тарқаб кетадилар. Нуғайнинг кичик ўғли Жақип қариндошлари билан бирга Олтойга сурилиб, қалмоқлар зулми остида:

Боғлашга бизда бел ҳам йўқ,
Белга мадор қилишга
Белгили қирғиз эл ҳам йўқ.
Суянадиган Нўғай йўқ,
Қочиб кирар тўқай йўқ,
Бекор оққан булоқ йўқ,
Талтайиб ётар у чоқ йўқ.
Эплаб кун элткан
ғарибмиз,
Қора қалмоқ ҳам манжу
Ўртасида қолибмиз, — дея оҳ-надомат билан умр кечира бошлайдилар.

Жақип фарзандсизликдан зорланади. У эллик ёшга етганда Чийирди деган хотинидан Манас туғилади. Қалмоқлар бўлғуси қаҳрамонни ёшлигидан йўқотиш пайига тушадилар. Аммо Жақип уни чўпон Ўшпир тарбиясига бериб, омон сақлаб қолади. Манас ўз атрофига қирғиз ботирларини йиғиб, қалмоқларнинг чопқинларига зарба бера бошлайди. Манас ўзи туплаган йигитлари билан қора хитой ва қалмоқларнинг Довур, Жўлай, Қобон алп, Несқора каби полвонларини енгади, Эсенхоннинг айғоқчиларини тор-мор қилади. Шундан кейин Олтойдаги қирғиз ва қозоқлар маслаҳатлашиб, ун беш яшар Манасни оқ кигизга солишиб, йиғилган оломонни етти айлантириб, хон қилиб кутарадилар. Амакиси Бойдан қирғизларнинг турт тарафга тарқаб кетганликлари ҳақидаги ҳикояларни эшитган Манас бобо юрти оқсоқол Қўшай чол билан учрашиш учун Олатовга йўл олади.

Етагида қирқ ўғлон,
Йўлга тушди зўравон,
Бўғат-бўғат қўл босиб,
Адир-будир чўл босиб,
Бўлак-бўлак бел ўтиб,
Неча-неча эл ўтиб,
Йўлда талай тун ўтиб,
Талай хатар кун ўтиб,
Қатор ясси қир кўрди,
Хўб ажойиб ер кўрди,
Олатовдай жой кўрди,
Арқираб оққан сой кўрди...
Қўлтиғида қуён кўп,
Сойларида илон кўп,
Тик тоғида така бор,
Тўқайида буғу бор,
Адирида олқор бор,
Тузларида тулки бор,
Даласида қулон бор.
Булбули қийиб сайраса,
Яйрагандай мингулуғ жон,
Мунгулуғ жони яйраса,
Бас, жуда соз бу макон...
Билағон Қўшай — ботир чол
Чиқар Манас олдидан,
Қўришмоққа ташна ҳол...
Сизни улар Қўшай чол,
Ҳангамага қулоқ сол:
«Толега битар эл бўлсанг,
Топиб ол Талас ерингни,
Тўплаб олгин қулуним,
Энг аввал қирғиз элингни.
Мендан ҳам ҳол сўрасанг,
Бойловдим у вақт белимни,
Ер титраттан Манжуга
Солгандим кўп ўлимни...
Оз айтсам, кўп билиб ол,
Арслоним Манас, қулоқ сол,
Тағин манжу, қалмоғинг
Лашкар тўплаб қолмасдан,
Тағин хўрлик солмасдан,
Ўртаниб ўлгур золимлар
Иллизингга ўт қўймасдан,
Тухумингни қуритиб,
Қонимизга тўймасдан —
Жадал қайтиб кет, болам,
Ҳозирча сен Олтойга
Шошиб-пишиб ет, болам...
Эр йигит ўз ерига
Қайта қўнгувчи бўлар,
Керак бўлса эл учун
Жангда ўлгувчи бўлар...
Кўм-кўк Талас, кенг кўл бор,
Макон қилиб қўниб ол.
Манас шерим, бахтинг ёр,
Бизга ҳам қалқон бўлиб қол...
Узилганни улайлик,
Чочилганни тўплайлик,
Йўқолганни топайлик,
Юртга чора қилайлик».
Анча сўзлаб Қўшай чол,
Билмаганни билгизиб,
Омин! — деб қўл кўтариб,
Манасни йўлга киргизиб,
Талай кенгаш берди у,
Ҳайдовда юрган қирғизлар
Сенга омонат, — деди у.
Фотиҳа олиб бободан,
Манас минди тулпорга,
Тезроқ етиб бормоқчи
Олисдаги дўст-ёрга...

Олтойга келган Манас уруғдошлари билан маслаҳатлашиб, боболаридан қолган ерларни озод қилиш учун катта лашкар йиғади. Буларнинг тайёргарлигини билган Олтойдаги қалмоқларнинг бошлиғи Текес Қуяс афсунгари ёрдамида ўрмону тўқайларни сеҳрли қўшинга айлантириб, Манаснинг йўлини тўсмоқчи бўлади. Аммо Манас сеҳрни ечиб, Текис ва Қуясни тор-мор этади ҳамда Олатовга қўшин тортади. Олатов юриши давомида қалмоқларнинг Урго, Илебин, Охунбешим бошчилигидаги қўшинларини енгади. Бунда унга қора хитойлар ва қалмоқлар зулми остида яшаётган қирғизларнинг оқсоқоллари, қозоқ ботири Кукча ва бошқалар ёрдам беради. Натижада барча қирғизларни ўз қўли остига бирлаштиради ва элига шундай мурожаат қилади:

«Уринадиган тов ётар,
Уришадиган ёв ётар,
Ошадиган бел ётар,
Алокенинг измида —
Олишадиган эл ётар.
Ажал етса, ўлармиз,
Даврон сурган Алоке
Кия келса кировка,
Бир чалишиб кўрармиз.
Оққушлар юзган кўл топдим,
Тулпорим тўхтар тўр топдим.
Қалмоқ кўрса, қайишган,
Мўғул кўрса, майишган,
Туғишган қирғиз эл топдим.
Ҳайдаган молим тўлгудек,
Овулим кўчиб-қўнгудек,
Ойдин Талас ер топдим.
Жондошим-эй, халқим-эй,
Қабул бўлсин тилагинг,
Ажал етмай, кун битмай,
Бунчалар зулм кўрмагинг.
Ёндошолмай бировга,
Ялтоқ бўлиб қолибсан,
Бақириб келса қалмоқлар,
Юртим-эй,
Қўрқоқ бўлиб қолибсан.
Ота-бобо макони —
Тоғ сеники эмасми,
Тиниб оққан ўзанда —
Сув сеники эмасми!
Одам бўлиб, сўз бўлиб,
Эркак бўлиб, от миниб,
Ота юртни олдирсак,
Бизни худо урмасми?!
Агар сизга эп келса,
Манас гапи-гап бўлса,
Эрсиниб отта минибман,
Эр аталиб юрибман.
Элга тирак бўлайин,
Керага ёйиб, уқ тикиб
Мен шу ерга қўнайин.
Тағин ўжар ёв келса,
Мен олиша юрарман,
Тағин қаттиқ дов келса,
Тур талаша юрарман.
Ҳовлиқиб қалмоқ қўл солса,
Солғулашиб кўрарман,
Аттанг, қирғиз не дейин,
Сен деб жон ҳам берарман».
Сўз шу ерга келганда,
Юрт ўқиб, фаҳм қилганда,
Кўз ёшлари тўкилиб,
Юрак барди сўкилиб,
Юзларга қон югуриб,
Айланиб ҳам ўргилиб,
Кўнгли бўшаб сўйлашар,
Не яхшилик ўйлашар:
«Уюр соғиниб от келар,
Эл соғиниб эр келар,
Эл бошига кун туғса,
Эл туғдирган шер келар.
Қора бўрон кун ёғса,
Қўҳлуклиги бор экан.
Сенга қувонч келтиргай,
Ўйлаганинг билдиргай,
Буни яхши боқсанг, хон,
Ахир сени тўйдиргай.
Ай-ҳайлардан шошмас ҳеч,
Ой қоронғу тун бўлса,
Изини хато босмас ҳеч.
Кетмон туёқ, сағри кенг,
Кўришга минар от бўлур,
Савашгали келса, ёв,
Сўғишга минар от бўлўр...
Ёл-қуйруғи чувалиб,
Юрғулик йилқи нақ ўзи,
Қизил қонли қирғинга
Мингулик йилқи нақ ўзи.
Қилич, найза қиличга
Қийнаб минар от ўзи,
Бу Манас —
Қалқон бўлар чоғи бор,
Элни қўриб, соғ юрса,
Орқа бўлар чоғи бор.
Эгар солиб, от миниб,
Пасттамас, қирга қўниб,
Одам бўлар эканмиз,
Қўшинга қўша боришиб,
Қўш қўллаб тиғ солишиб,
Ёрдам бўлар эканмиз.
Кўрадиган кунимиз,
Ичадиган сувимиз —
Ҳали борга ўхшар-ку,
Боёқуш юртта бу Манас
Туғдай соя солгувчи,
Балодан асраб қолгувчи —
Зўровонга ўхшар-ку».

Шундан кейин Манас Олтойга қайтиб келиб, бутун элини кўчириб кетади ва Таласда тинч яшай бошлайдилар. Аммо қалмоқлар буни кўра олмайдилар. Натижада Манас Алокехон, Шовруқ ва бошқа душманларига қарши қўшин тортишга мажбур булади. Уларни тор-мор этади. Бир муддат деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб, Оққула номли тулпорга эга булади. Достонда Оққуланинг таърифи шундай берилган:

Ёл, қуйруғи мўл, қалин,
Асов экан, шўх экан,
Юмри туёқ йилқида
Бундан ўзгири йўқ экан.
Олти ой миниб йўл йўрсанг,
Ҳоримас сини бор экан,
Олтмишдан ошиқ ёш кўрса,
Қаримас сини бор экан.
Чуҳ! —деганда етказмас,
Югуруклиги бор экан,
Йўғон жусса, чоқ яғрин,
Ойлаб, йиллаб сўғишга
Синаб минар от ўзи...
Найза ушлаб, тўп бузиб,
Дув-дувга минар от — шу от,
Ёв келса, сурон турғизиб,
Шов-шувга минар от — шу от.
Аскар олиб саксон лак,
Довга минар от — шу от,
Лашкар олиб тўқсон лак,
Ёвга минар от — шу от.
Попукли найза санчгани,
Яккама-якка янчгани,
Майдонга минар от — шу от,
Қўлтиқда қўш қанот бор,
Ғойиб туққан зот тулпор,
Қиронга минора от — шу от...
Чот-оёғи Чотқолдай,
Чопганида чотига
Юклик туя боттандай.
Ёнбош орқа суяги —
Ўн икки қозон осгандай,
Бағрининг ёзиқлиги —
Каламуш ин қозгандай.
Ўркачи баланд ўр Қула,
Ўйротда йўқ зўр Қула,
Қобирғаси қоқ Қула,
Хоназот тулпор, тоқ Қула.
Кокилин тик туйдирар,
Не кўзларни қуйдирар.
Қоплоним, ҳой, иним, ҳой,
Ёлғон эмас, чиним, ҳой,
Қутлуғ бўлсин бу тулпор,
Қуюндан биттан жонивор.

Достонда Алмамбет билан боғлиқ воқеалар ҳам ниҳоятда қизиқарлидир. У Хитойда туғилади, аждардан ер остида етти йил давомида сеҳргарлик илмини ўрганади ва атоқли ботир бўлиб етишади. Ов қилиб юрган қунларининг бирида чилтонларга дуч келади ва мусулмончиликни қабул қилади. Уз эл-дошлари билан келиша олмай, юртидан қочади. Унинг орқасидан қувган Қунғирбой, Жўлай каби полвонларни ҳам куч, ҳам сеҳр ишлатиб енгади ва қозоқ паҳлавони Кукчага келиб қўшилади. Алмамбет ёрдамида Кукчанинг шоншуҳрати ошиб кетади. Буни кўра олмаган қозоқ бийлари Алмамбет билан Кукчанинг хотини Оқэркеч бир-бирига яқин дея фисқу фасод тарқатадилар. Натижада Алмамбет бу ердан ҳам кетишга мажбур булади ва Манасга келиб қўшилади.

Манас Алмамбетни тушида кўрган эди. Унга пешвоз чиқиб, уйига олиб келади. Алмамбетни кўрган Чийирдининг кўкракларига сут келади. Манас онасининг ўнг эмчагини ўзи эмиб, чап эмчагини Алмамбетга эмдиради. Шу тариқа ака-ука ва айрилмас дуст буладилар. Алмамбет шарафига катта туй ўтказилади.

Шундан кейин достонда Манаснинг Хоникейга уйланиши воқеалари бошланиб кетади. Манас уттиз ёшга кирган булса ҳам, урф-одат буйича уйланмаган эди. Унинг Оқилой ва Қорабурқ исмли хотинлари урушда ғалабага эришгач, совга қилинган қизлар эди. Шунинг учун отаси Жақип Бухоро хони Қорахоннинг (айрим вариантларда Кейип хони Атемирнинг) Хоникей исмли ўн иккинчи қизини Манасга, унинг синглиси Арукени Алмамбетга олиб беради. Бунда қиз танлаш, совчилик, қалин тўлаш, келин ва куёвни синаш, туй ўтказиш билан боғлиқ расм-русумлар, қирқ жўранинг ҳамтўйланиши жуда қизиқарли воқеалар давомида тасвирланади.

Қирғиз эли ўз ота юртига эга бўлиб, Олойда Тўштук, Андижон тарафида Санжабек, Тошкент атрофида Кукатой, Келинда Урбу, Отбошида Қўшай, Манас қўшинида Алмамбет, Бақай, Чубақ, Сиргақ, Ҳожибой — ҳаммалари аҳил, тинч, осойишта яшамоқда эдилар. Аммо бундай ҳолат Эсенхон бошлиқ душманларни сира тинчлантирмайди. Шунинг учун ҳам улар жосус ва айғоқчилар юбориб, Манасни ўлдириш пайига тушадилар. Узоқ йиллар қалмоқлар орасида яшаган Манаснинг қариндошлари Кузқаман ва Кукчакуз бошлиқ элатни Таласга юборадилар. Манас уларга ўз уруғим, деб алоҳида яйлов беради. Улар Манас билан аралашиб яшай бошлайдилар. Кунларнинг бирида улар Манасни меҳмонликка чақириб, қалмоқ арғоғига қирқ йиллик заҳарни қўшиб берадилар. Шунда Манас урнидан қузғалолмай, тили калимага келмай, ёри ва жураларини йўқлайди:

Қора ният қалмоқдан
Ўлгани келган эканман,
Ёвузларнинг хўрлигин
Кўргани келган эканман.
Туғишган деб қалмоқни,
Қирқ арқон бўйи зиндонда
Ётгани келган эканман,
Алам билан ҳасратта
Боттани келган эканман.
Тентираб келиб Бежиндан,
Текис қўндинг Таласга,
Кўнгли қора шумрўйлар,
Охири сени қилганинг
Шу бўлдими Манасга?!
Қора найза суянчим,
Қора кунда таянчим,
Қиядан қора ёв келса,
Қийин-қийин дов келса,
Чекинмасдан қўл солган,
Ёвга ажални мўл солган,
Бу дунёда энг жондош,
У дунёда имондош,
Қайга кетдинг кўринмай,
Алмамбетдай қироним.
Кўк силовсин бўрки бор,
Кўк қалқонда кўрки бор,
Ғофил жойда сўз топган,
Қоронғида кўз топган,
Ақли дарё тошқини,
Жонимнинг энг яқини,
Одамзоднинг билгичи,
Олисда хавфни кўргувчи,
Қаёқда Бақай қироним!
Кўк мовутдан тўн кийган,
Кўкола тулпор от минган,
Олишиб одам йиқолмас,
Арслон панжа тиқолмас,
Оқболта ўғли, туққаним,
Армонда Манас ётибди,
Жонига заҳар ботибди,
Қайга кетди, кўринмас,
Ер титраттан суроним,
Қайдасан, Чубақ полвоним?!
Қора тилин қайраган,
Йиғинларда сайраган,
Етмиш турли тил билган,
Етмиш турли эл кўрган,
Аташган дўстим Ҳожибой,
Ортиғим қараб турса-чи,
Қалмоқдан келган қузғунлар
Ўшанда хўрлик қилса-чи!
Отга енгил, тойга чоқ,
Уйқуси йўқ, йўлга соқ,
Чирим уйқу олмаган,
Чарчаса ётиб қолмаган,
Ногоҳдан ёв чиққанда,.
Така-ёвмит от минган,
Темир совут тўн кийган,
Қаёқда Сиргақ арслоним!...
Дунё экан бевафо,
Ноҳақ тушди бу бало,
Қирқ жўрамнинг бири йўқ,
Ичим-ташим ёнар чўқ...
Қирқ жўра боши Қирғил чол,
Қирқ ёшида қирғин чол,
Қани, сурон солса-чи,
Қалмоқларнинг забтидан,
Айқириб келиб, қирғилим,
Мени ажратиб олса-чи!..
Улғайганда дуч бўлган,
Менга мадор, куч бўлган,
Тузни бирга тотишган,
Қорамағиз сулувим,
Аёл зотдан арувим,
Хоникейдай тенгим йўқ.
Ўн икки қизнинг кенжаси,
Худо севган бандаси,
Хоникей қараб турса-чи,
Кўкчакўз билан Кўзқаман
Хўрликни шунда қилса-чи!
Тоғни текис қилолган,
Оқайёр эди полвойим,
Полвоним, сендан олисда,
Ой далада қолганим.

Манаснинг аҳволидан Оқайёр хабар топади, Хоникейга билдиради ва етиб келиб, ботирни айириб олиб, Хоникей миниб келган отта ўнгаради. Хоникей Манасни тоққа олиб қочиб, уни даволайди. Кузқаманлар Манаснинг уйжойини вайрон қилиб, мол-мулкини ҳайдаб кетади. Орқадан етиб борган қирқ жўра кузқаманларни тор-мор этади. Ғалаба шарафига тўй-томоша ўтказиб, яна Таласда тинч-омон яшай бошлайдилар.

Манаснинг кекса сафдошларидан бири Кукатой улими олдидан ўғли Бокмурунга барча элларни чақириб, ош беришни васият қилади. Бокмурун қирғиз урф-одатига кўра, Кукатойнинг кумиш маросимини, унинг қирқини ўтказади ва уч йилдан кейин Қарқара деган жойда отаси шарафига дабдали ош беражагини эълон қилади. Ошга Манас ва унинг сафдошлари билан биргаликда Қунғурбой, Жўлай, Несқора каби хитой ва қалмоқлар ҳам қатнашади. Турли ўйинлар, мусобақалар, полвонларнинг курашлари, тулпорларнинг пойгасини ташкил этадилар. Барча мусобақаларда қирғиз ботирлари ғолиб чиқади. Тулпорлар пойгасида Манаснинг оти Оққула олдинда келганлигидан ғазабланган Қунғурбой совринга аталган молларни ҳайдаб кетишга буйруқ беради. Икки ўртада жанг бўлиб, қора хитойлар енгилиб, қочадилар, Қунғурбой, Жўлайлар ярадор булади, Несқора асир олинади. Манас ва сафдошлари ошдан қайтадилар.

Кукатойнинг ошини Манаснинг бир ўзи бошқарди, дея етти қирғиз хони ундан норози булади. Манас хонларни ўз урдасига чақириб, уларни иззат-икром билан кутиб олади ва душманларга қарши асосий кучларни бирлаштириш зарурлигини айтади. Хонлар рози буладилар. Манаснинг таклифи билан Бақайни бирлашган қўшинга хон, Алмамбетни қумондан қилиб тайинлайдилар. Шу тариқа қирғизларнинг Бейжин қалъасига қарши улуғ сафари бошланади.

Қирғиз қўшини қирқ кун-тун машаққатли йўл босиб, Бежинга яқинлашади. Душманнинг кучли истеҳкоми сирини билиш учун хитой тили ва элини яхши билган Алмамбетга Сиргақни қўшиб айғоққа юбормоқчи буладилар. Бундан Чубақ норози бўлиб, Алмамбет билан муштлашишгача боради. Манаснинг аралашуви билан яраштадилар. Душманнинг чегараси ва қалъасини ургатилган аждаҳолар, муғомбир урдаклар, айёр тулкилар, ҳар хил йиртқичлар қуриқлайдилар. Бу ҳайвонларнинг сирини билган Алмамбет уларни енгиб, Бежинга йўл очади. Яккама-якка олишувлар ва ялпи урушларда қирғизларнинг қўли баланд келади. Натижада Қунғурбой Эсенхондан сулҳ тузиш зарурлигини сурайди. Икки ўртада сулҳ тузилиб, қирғизлар катта ўлжа билан ўз юртларига қайтадилар.

Манас 60 ёшга кирган бўлса ҳам фарзандсиз эди. Шунинг учун Маккага бормоқчи булади. Бу орада Хоникей ҳомиладор бўлиб, ўғил кўради. Унга Семетей деб исм қўядилар. Уч йилдан кейин Манас ўғлининг суннат тўйини ўтказиб, Алмамбет, Сиргақ, Тўқтойлар билан биргаликда Маккага ҳажга боради.

Манаснинг йўқлигини билган Қунғурбой, Жўлай бошлиқ хитойлар яна урушга тайёрланадилар ва қирғиз яйловларига бостириб кирадилар. Етиб келган Манас душман қўшинига қарши жангга киради. Аёвсиз жангда ҳийла йўли билан Алмамбет, Сиргақ, Чубақ, Манаснинг оти Оққула ўлдирилади. Қаттиқ яраланган Манас уйига қайтиб келади ва кўп ўтмай вафот этади..

Хоникей ва Семетей Боёнди чўлида Манасга гумбаз қурдиради. Шу билан эпоснинг биринчи қисми тугалланади. «Манас» эпоси деганда, биринчи галда ана шу воқеалар назарда тутилади. Эпоснинг иккинчи бўлими Манаснинг ўғли Семетейга, учинчи бўлими унинг невараси Сейтекка бағишлангандир. Эпоснинг бу бўлимлари ҳам рангбаранг сюжет қурилишига эга бўлган асарлардир.

Саҳифа материалларини Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг лауреати Тўра МИРЗАЕВ тайёрлади.

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Жиззах. *Дўстлик тумани ҳокимлиги биносида вилоят илмий-услубият ҳамда вилоят қирғиз маданият марказлари ҳамкорлигида «Манас» эпосининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ўтказилди. Бу тадбирда қардош Қирғизистон Республикасидан келган меҳмонлар ва вилоятда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари иштирок этдилар. Тадбирда қирғиз маданият марказининг раҳбари Аброр Каримов, Услубият маданият марказининг раҳбари Раҳматилло Саримсоқов ва бошқалар «Манас»нинг тарбиявий аҳамияти ҳақида гапирдилар. «Дўстлик чамани»

ЎЗБЕКИСТОН—АМЕРИКА





ПОЛЁТ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Ўзбекистон Республикаси халқини Буюк миллий байрам - Мустақиллик куни билан самимий қутлайди.

Келажаги буюк бўлган мустақил демократик давлатни бунёд этиш йўлида бахт-саодат, тинчлик ва барқарорлик тилаймиз.



700060, Тошкент, Шевченко кўчаси, 7.
Телефонлар: (3712) 56-27-30, 59-58-77.
Факс: (3712) 56-27-31.

"ТУРОН" ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ

"ТОКИО БОЭКИ ЛТД" САВДО УЙИ

Ўзбекистонлик шериклари ва мижозларини, бутун ўзбек халқини —

РЕСПУБЛИКА МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!

Сизларга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилаймиз!

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"
ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛАРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

сўмда пул ўтказиш йўли билан Тошкентдаги омборхонадан

МАЗ туркумидаги автомобилларни, МТЗ экскаваторлари ва тракторларини, автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги: Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М двигателларини

сотади.

Нархлари завод баҳосидан арзон.

Манзил: Тошкент, Ш. Реставели кўчаси, 140-уй.

Алоқа учун телефонлар: /3712/ 50-06-13, 50-94-77, 50-95-07.

"Ўзбекмашсервис" — ҳамкорликка чорлайди!

ВАТ

ЎзБАТ
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Жаҳон тамакичилик саноатида катталиги жиҳатидан иккинчи компания ҳисобланган "Бритиш — Америкэн Тобакко" ("Би-Эй-Ти") компанияси гуруҳининг аъзоси — ЎзБАТ АЖ қўшма корхонаси бўш лавозимларни тўлдириш учун танлов эълон қилади ҳамда ишлаб турган Тошкент тамаки фабрикасига, шунингдек, яқин келажакда қурилиши бошланадиган Самарқанд сигарета фабрикасига ёш 40 дан ошмаган янги ходимларни **ишга қабул қилади.**

Ўринлар:

— муҳандис-механик
— муҳандис-электрик
— муҳандис-электрончи
— техника хавфсизлиги бўйича муҳандис
— муҳандис-технолог
— ишлаб чиқариш бўйича менеджер
— ишлаб чиқариш участкасининг мастери
— маъмурий-хўжалик хизматчилари

— механиклар
— машинист-операторлар
— электриклар
— слесарлар
— техниклар

Камида талаб этиладиган малака

— олий ўқув юртларининг битирувчилари
— олий ўқув юртларининг тижорат,статистика, бизнес-бошқарув мутахассислиги бўйича битирувчилари
— техникумлар ва ҳунар техника билим юртларининг битирувчилари

Иш стажи номзодларни танлашга таъсир этмайди. Техника хавфсизлиги бўйича муҳандис лавозимига номзодлар бундан мустасно, улар мутахассислик бўйича камида 3 — 5 йил иш стажига эга бўлишлари лозим.

Муҳандис-техник ходимлар учун инглиз тилини билиш ва компьютерда ишлай олиш қўшимча устунлик беради.

Ҳалол ва виждонан ишлашга интилиш ва ишлаб чиқаришни жаҳон андозалари даражасига қадар модернизация этиш шароитларида ўз техникавий малакасини ошириш истаги билан ажралиб турувчи номзодлар афзал кўрилади.

Тўлдириш учун анктеани ЎзБАТ АЖ ҚК Бош идорасининг кадрлар бўлимида (манзили: Тошкент шаҳри — 700084, Ҳусниддин Асомов кўчаси, 4-уй) ва Самарқанд тамаки ферментация заводида (манзили: Самарқанд шаҳри — 703031, Рудакий кўчаси, 150-уй)дан олиш мумкин. Барча номзодлар танлов асосида дастлабки саралашдан ўтадилар ҳамда шахсан суҳбатга таклиф этиладилар.

Ҳамкорлик

ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ АРЗОН

Пойтахтимиздаги «Саломатлик маркази» фирмаси фаолият кўрсатаётганига кўп бўлганича йўқ. Шундай бўлса-да, бир гуруҳ ташаббускор тадбиркорлар бошчилигидаги фирма номига яраша шифо масканига айланди. Шарқ ва Оврўпо табобати бўйича етакчи мутахассислар ёрдамида кўплаб беморлар бу ерда ўз дардларига шифо топишяпти. Зеро, бу ерда каттадан кичикнинг тўла қонли даволаниши учун барча шарт-шароит муҳайё.

Эл саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида фирма хорижий мамлакатлар табобат марказлари ва фирмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Чунончи, хитойлик ва қуриялик шифокорлар Тошкентга келиб беморларни даволамоқдалар. Фирма дори-дармонларни ишлаб чиқаришга ҳам катта аҳамият бермоқда, қатор дори-дармонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Улар ҳам сифатли, ҳам нисбатан арзондир.

Яқинда фирма Ҳиндистоннинг машҳур «Доктор Реддис Лабароторис ЛТД» фирмаси билан шартнома тузди. Дори-дармонлар тайёрлашнинг бутун технологик жараёни фирманинг ўзида амалга оширилади. Шу боис унинг маҳсулотлари баҳоси арзон. Кўриниб турибдики, ўзбекистонлик тадбиркорлар халқимизга зарур ва сифатли, арзон дори-дармонлар етказиб бериш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб бир шароитида муҳим аҳамият касб этади.

Алишер РЎЗИЕВ.

«Ўзавтотранстаъминот» концерни ходимлари «Ўзавтотранстаъминот» республика концерни бошқаруви раиси Абдураҳмон Абдулҳаевич Абдувалиевга падари бузруквори **Абдулҳай Абдувалиевич АБДУВАЛИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси жамоаси Ҳамза номидаги ижод уйи директори А. Тўраевга волидаи муҳтарамаси **ЎҒИЛ момо БОЙМУРОТ қизи**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика «Кийим» акционерлик бирлашмаси раҳбарияти ва жамоаси бирлашма раиси муовини Акбар Маҳкамович Азимовга волидаи муҳтарамаси **УМРИНИСА ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Ҳайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0334.

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00. 123456.